



## FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

2022 - yil 10 - fevral

13-11-164-F/22

Furqat tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28, 126-моддаларига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори ва Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 10 февраль кунги 37-11-0-F/22-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли қарорининг 17-бандида маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан Ёшлар етакчиларини “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминлаш белгиланганлиги шунингдек, туманда ташкил этилган 34 нафар ёшлар етакчилари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли вазирликларнинг қўшма келишувига асосан тасдиқланган параметрларга эга бўлган замонавий планшетлар билан таъминлаш харажатлари учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан **126 140 000 (Бир юз йигирма олти миллион бир юз қирқ минг) сўм** маблағ туман маҳаллий бюджетига ўтказиб берилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (У.Ҳамидова) га:

ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уни белгиланган тартибда тегишли вазирликларнинг қўшма келишувига асосан тасдиқланган параметрларга эга бўлган замонавий планшетлар сотиб олиш харажатлари

учун мақсадли йўналтирилишини таъминлаш;

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни тегишли молия ва ғазначилик бўлимларига тақдим этилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (С.Ахмедов)га ажратилган маблағларни белгиланган тартибда туман маҳаллий бюджетига ўтказиб бериш, туман ғазначилик бўлинмаси (А.Абдупаттаев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси туман ҳокимининг ўринбосари М.Орипов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ж.Жуманов